

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ

*Сарсенбаева Амангул, Қорақалпоқ давлат
университети “Ўзбекистон ва Қарақалпогистон тарихи”
кафедраси*

IMPROVING STATE POLICY REGARDING YOUTH IN UZBEKISTAN

*Sarsenbaeva Amangul, Department of History of
Uzbekistan and Karakalpakstan, Karakalpak State University*

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ОТНОШЕНИИ МОЛОДЕЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Сарсенбаева Амангул, кафедра истории Узбекистана и
Каракалпакстана, Каракалпакский государственный
университет*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ёшлар масаласининг илгари сурилиши хақида сўз юритилади. Айниқса, Президентимиз томонидан қабул ёшлар сиёсатининг аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калим сўзлар: Ёшлар сиёсати, Беши ташаббус, Стратегия, Стартап.

Abstract: The article talks about the advancement of the youth problem as a result of reforms being implemented in the Republic of Uzbekistan. The President especially emphasized the importance of youth policy.

Key words: youth policy, five initiatives, strategy, startup.

Аннотация: В статье говорится о продвижении молодежного вопроса в результате реформ, реализуемых в Республике Узбекистан. Важность молодежной политики особо подчеркнул Президент.

Ключевые слова: молодежная политика, пять инициатив, стратегия, стартап.

КИРИШ. Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблейсининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи «Сайёрамизнинг эртанги куни, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат», -деб таъкидлаганидек, Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг хаётга мустакил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

**МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛГАНЛИК
ДАРАЖАСИ.** Жумладан, 2021 йилнинг “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб номланиши ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида олдимиизда турган муҳим вазифаларни белгилаб берди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид

давлат дастури тўғрисида”ги Президент фармони лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Муҳокамалар жараёнида давлат дастури лойиҳасида назарда тутилган ёшларни қўллаб-қувватлашга оид бандларга талаба-ёшлар, олимлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг давлат ва фуқаролик хизматчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ўзларининг фикр-мулоҳазалари, концептуал ва долзарб бўлган таклифлари билан иштирок этишди. Билдирилган фикр ва мулоҳазалар таҳлил қилинганида эса, фуқароларимизда ёшлар ҳаётига оид ислоҳотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорлик хисси юкори экани намоён бўлди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Хусусан, давлат дастури лойиҳасининг 96 та бандида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда муҳим вазифалар белгиланган. Биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлигини сақлашни кучайтириш, шу жумладан, коронавирусга қарши профилактик эмлаш ишларини ташкил этиш, аҳолини арzon ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, ёшларнинг бандлиги ва реал даромадларини ошириш ҳамда 2021–2023 йилларда Ёшлар уйларини қуриш дастурини амалга ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби устувор вазифалар шулар жумласидандир. Алоҳида таъкидлаш жоиз, «2017–2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини

ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ҳам бу масала алоҳида ўз аксини топди. Ўз навбатида, Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Айни вақтда таълим, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджети харажатлари умумий қийматининг ярмидан қўпроғини ташкил этмоқда. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтара олмайди, аммо қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар излаб топилмоқда. Ўзбекистон раҳбари мазкур харажатларни харажат эмас, балки келажак учун қўйилган энг самарали сармоя деб ҳисоблаб,

таълим даражаси ва сифати ҳар қандай давлатнинг истиқболини белгилаб берадиган муҳим омил эканини таъкидламоқда. Ҳақиқатан ҳам, ислоҳотларнинг тақдири, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиясига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб берса олишига боғлиқ.

Шу мақсадда мамлакатда Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта жорий этилди. Вилоятларда янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўқув юртларига қабул квоталари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сиртқи ва кечки олий таълим шакллари тикланди. Кейинги икки йил ичида 15 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг нуфузли университетлари филиаллари очилди. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, босқичма босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда изчил давом эттирилмоқда.

Бу борада Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги саъй-ҳаракатларни тизимли асосда йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташабbusнинг илгари сурилиши Ўзбекистон тарихида ёшлар таълим-тарбияси бўйича яна бир янги босқични бошлаб берди. Давлат раҳбарининг бу эзгу ғояси Ўзбекистон халқи, айниқса, ёшлари томонидан катта қизиқиш билан қарши олиниб, кисқа вақт ичида мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёзди.

Шунингдек, мамлакат миқёсидаги 12 мингдан зиёд спорт иншоотига ёшларни максимал даражада қамраб олиш чоралари кўрилиб, барча умумтаълим мактаблари спорт анжомлари билан тўлиқ жиҳозланади. Шу билан бирга, олис ва чекка худудларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар курилади. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сони янада кўпайтирилади. Ёшларни интернетдаги заарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалалари бўйича илғор халқаро тажрибалар асосида барча худудларда Рақамли технологиялар ўкув марказлари ташкил этилади. Ёшларда

китобхонлик кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида, янги ташаббус доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларга 1 миллион нусхадан кам бўлмаган миқдорда китоблар етказиб берилади. Шу баробарида, ҳар бир шаҳар ва туман марказида биттадан намунали китоб дўкони ташкил этилади, кўчма китоб павильонлари жойлаштирилиб, “Библиобус”лар орқали қишлоқ ва овуллар ахолисига кутубхона хизматлари кўрсатиб борилади. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида 2019-2020 йилларда барча туманларда 195 та тикув-трикотаж корхонаси барпо этиш учун аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресурслари кўп жойлар танлаб олинди. Натижада 24 мингдан ортиқ доимий иш ўрни яратиш назарда тутилган.

ХУЛОСАЛАР. Умуман, ёшларнинг таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, етук инсонлар бўлиб улғайиши йўлида замонавий, илғор-инновацион шарт-шароитларни яратиб бериш учун Ўзбекистон бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда. Чунки ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом, ватанпарвар ва фидоиي этиб тарбиялаш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эътибор қанча кучайтирилса, унинг самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шу боис Ўзбекистон жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилувчи ёшлар қатламига «муаммо» деб эмас, балки юргравнақини таъминловчи катта куч, давлатнинг стратегик ресурси сифатида қарамоқда. Натижада бугун юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатнинг эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланниб боряпти.

Ёшлар бандлигини таъминлаш омилларидан бири уларни талаб этилаётган касб бўйича ихтисослаштиришdir. Шу боис давлат дастури лойиҳасида “Ҳар бир тадбиркор – ёшларга мададкор” тамоили асосида кўнгилли тадбиркорларни жалб этган ҳолда 1 нафар тадбиркорга¹ нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббусини амалга ошириш вазифаси қайд этилган. Шунингдек, “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиши, уларда бизнес кўникмаларини шакллантириш,

имтиёзли кредитлар ажратиши орқали ўз фаолиятини бошлашга кўмаклашиш вазифалари белгилаб олинган. Лойиҳада назарда тутилган мазкур вазифаларнинг тўлақонли амалиётга жорий этилиши натижасида ёшларни арzon ишчи кучи сифатида меҳнат бозорига кириб келишининг олди олиниб, бугунги кун талабига жавоб берадиган рақобатдош кадрлар бўлиб этишишига эришилади. Шунингдек, дастур лойиҳасида ёшларимизнинг узлуксиз таълим олишларини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оиласарга имтиёзли таълим кредити бериш тартибини жорий этиш, олий таълим муассасаларига талаба-қизларни қабул қилишда эҳтиёжманд оиласар қизлари учун ажратилган грантлар сонини 2 баробарга кўпайтириб, 2 мингтага этиказиши каби бандларнинг мавжудлиги, оиласарни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган Давлат сиёсатининг яна бир ёрқин мисоли сифатида эътироф этилган «Ўзбекистон-2030 Стратегияси» да Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш деб номланган бандида ёшлар сиёсатига боғлиқ дастурлар белгилаб берилган. Айниска, 2022 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги қарори асосида ёшлар билан ишлашнинг маҳалла-сектор-туман (шаҳар)-худуд-республика тизими яратилди.

Мазкур тизим орқали республика бўйича 9 минг 376 та маҳаллада ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилиб, улар томонидан 14-30 ёшдаги 9,1 млн нафар ёшлар хақидаги маълумотлар базаси шакллантирилди.

Шу билан биргаликда, 143 минг нафар ёшга 559,6 млрд сўм миқдорида амалий ёрдам кўрсатилди.

174 минг 598 нафар ёшга дехқончилик фаолияти учун 36 минг 335 гектар экин майдонлари ажратилди.

Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали бандлигини таъминлаш мақсадида 121 минг 731 нафар ёшга 2 трлн 894 млрд сўм кредит ажратилди.

«Ёшлар баланси» асосида маҳаллаларнинг ёшлар билан ишлаш самарадорлиги кўрсаткичлари баҳоланиб, 9 минг 376та маҳалланинг 244 таси (2,6 фоиз) «қизил», 3 минг 856 таси (41,1 фоиз) «сарик» ва 5 минг 275 таси (56,3 фоиз) «яшил» тоифаларга ажратилди.

Ёшлар муаммолари ва мурожаатлари билан ишлашнинг янгича механизми жорий этилиб, ёшларга «yoshlardaftari.uz» электрон платформаси ёки «1093» қисқа рақамли колмаркази ёки маҳалла етакчиси орқали онлайн ариза қолдириш ва мурожаат ҳолати тўғрисида маълумот олиш имконияти яратилди.

Ёшларни чет тилларини ўрганишга қизиқтириш, уларнинг интилишларини рағбатлантириш мақсадида 30 мингдан ортик ёшлар тренингларга жалб этилди ва бугунги кунга қадар Халқаро имтиҳон тизимлари бўйича юкори балл (даража) тўплаган жами 10 минг 299 нафар ёшга 18,1 млрд сўм миқдоридаги имтиҳон топшириш харажатлари компенсация (тўлаб берилди) қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Давлат дастури лойихасида илгари сурилган ёшлар сиёсатига

оид таклиф ва ташабbusларнинг ҳётга татбиқ этилиши натижасида ёшларимизнинг таълимтарбия олиши борасида, уларнинг Ватанимиз тараққиётидаги масъулияти ва ўрнини оширишда, фуқароларимизнинг турмуш даражасини яхшилаш, соғлигини асраш масалаларида бир қатор натижаларга эришиш имконини беради.

ADABIYOTLAR RO'YXATI (ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА/REFERENCES):

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи.
2. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
3. 2021йил 18 январдаги «Ўзбекистонда Ёшларга оид давлар сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Қарор. <http://lex.uz//docs/-5234746>.

